

БАҲОДИРОВА Оиша Баҳром қизи
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Исломишунослик йўналиши 4-босқич талабаси

Илмий раҳбар:

МУРАТОВ Дониёр Маҳаматвалиевич
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти

“ЖАВОМЕЪ АЛ-КАЛИМ” ҲАДИСЛАРИГА ДОИР АСАРЛАР ТАҲЛИЛИ

ANALYSIS OF WORKS ON THE HADITHS OF “JAWAMI’ AL- KALIM”

АНАЛИЗ ТРУДОВ, ПОСВЯЩЁННЫХ ХАДИСАМ “ДЖАВАМИЪ АЛЬ-КАЛИМ”

Annotatsiya: Ushbu maqola Rasululloh (s.a.v.) ga berilgan “Javome’ al-kalim” xususiyati, uning hadislarida aks etishi, xususan imom Buxoriy va imom Muslimdan keltirilgan “Javome’ al-kalim” rivoyatlarini Mulla Aliy Qoriyning “Arba’una hadisan min Javome’ al-kalim” to’plami misolida aks ettirgan. Mazvuni ochib berishda “Javome’ al-kalim” tushunchasining lug’aviy, istilohiy ma’nolari, ayrim ulamolarning mazkur tushunchaga bergan ta’riflari keltirilgan. Shuningdek, “Javome’ al-kalim”ga bag’ishlangan bir necha asar nomlari ham sanab o’tilib, Mulla Aliy Qoriy jamlagan hadislar bilan boshqa to’plamlardagi hadis tanlanish ushblari qiyoslangan.

Kalit so’zlar: Hadis to’plamlari, imom Buxoriy rivoyati, imom Muslim rivoyati, “Javome’ al-kalim”, Mulla Aliy Qoriy, odob-axloq, qisqa hadislar.

Abstract: This article explores the characteristics of the hadiths known as “Jawami’ al-kalim” granted to the Prophet Muhammad (p.b.u.h.), their presence in various narrations, particularly those recorded by imam Bukhari and imam Muslim, using Mulla Ali Qari’s collection “Arba’una hadisan min Jawami’ al-kalim” as an example. The study examines the lexical and terminological meanings of the concept “Jawami’ al-kalim” and presents definitions provided by several scholars. It also lists works dedicated to this type of

hadith and compares Mulla Ali Qari’s method of selecting hadiths with other collections.

Keywords: Hadith collections, narrations of Imam Bukhari, narrations of Imam Muslim, Jawami’ al-Kalim, Mulla Ali al-Qari, ethics and morality, short hadiths.

Аннотация: В статье рассматриваются особенности хадисов “Джавамиъ аль-калим” данных Пророку (мир ему и благословение), их отражение в хадисах Имама Бухари и Имама Муслима, на примере сборника Муллы Али Кари “Арба’уна хадисан мин Джавамиъ аль-Калим”. Приводятся лексическое и терминологическое значения понятия “Джавамиъ аль-Калим” и определения, данные отдельными учёными. Перечисляются работы, посвящённые этой категории хадисов, и сравниваются методы отбора хадисов Муллы Али Кари с другими сборниками.

Ключевые слова: сборники хадисов, риваяты имама Бухари, риваяты имама Муслима, «Джавамиъ аль-Калим», Мулла Али аль-Кари, этика и нравственность, короткие хадисы.

КИРИШ

Араблар қадимдан балоғат ва фасоҳатда етук халқ сифатида машҳур бўлган. Шу боис, улар орасидан чиққан Муҳаммад (с.а.в.) га пайғамбарлик ҳужжати сифатида тилга хос алоҳида устунликлар берилган. Бундай фазилятлардан бири “Жавомеъ ал-калим” бўлиб, ундан Расулulloҳ (с.а.в.)нинг қисқа жумлаларда умумий ва кенг маъноларни ифодаловчи нутқлари назарда тутилади. “Жавомеъ ал-калим” ҳадислари нафақат муҳаддис ва фақиҳлар, балки тил қоидаларининг энг мукамал намуналаридан бўлганлиги сабабли, тилшуносларнинг ҳам доимий тадқиқот объекти ҳисобланади. Бу услубдаги ҳадислар бошқа ҳадислар сингари дастлаб оғзаки тарзда, кейинчалик эса, тўпламларда сақлана бошлаган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, “Жавомеъ ал-калим” ҳадислари набавий хусусият бўлишига, мусаннаф тўпламларининг эса, ҳадисларни мавзуларга кўра тартиблаган бўлишига қарамай, ҳеч бир мусаннаф тўпламларида “Жавомеъ ал-калим”га бағишланган алоҳида боб учрамайди. Шу сабабдан мусаннаф тўпламлари пайдо бўлганидан кейин уларга таянган ҳолда алоҳида “Жавомеъ ал-калим” тўпламларини тузишга

эҳтиёж туғилди. Бунда мазкур услубда биринчи бўлиб тилшунос Ибн Дурайд (ваф. 321/933 й.), кейин эса муҳаддислардан Абу Бакр ибн Сунний (ваф. 364/974 й.), Абу Бакр Қаффо Шоший (ваф. 365/976 й.), Ибн Салома Қузый (ваф. 454/1062 й.), Яхё ибн Шараф Нававий (ваф. 676/1277 й.), Ибн Ражаб Ҳанбалий (ваф. 795/1393 й.), Мулла Алий Қорий (ваф. 1014/1605 й.), Ризоуддин ибн Фахриддин (ваф. 1936 й.) каби олимлар йирик ҳадис тўпламларидан “Жавомеъ ал-калим” ҳадисларини алоҳида ажратиб, тўплам ҳолига келтириш орқали бу мавзунини чуқур ўрганилиши ва кенг тарқалишига замин яратдилар. Қисқа лафзлар орқали кенг ва умумий маъноларни ифодаловчи бу ҳадислар ақида, фикр, ахлоқ ва муомалотга оид кўплаб қоидаларни ўзида мужассам этгани сабабли ислом илмларининг турли соҳаларида асосий ҳужжат сифатида фойдаланиб келинади. Шу боис “Жавомеъ ал-калим” ҳадисларини манбавий асосларини аниқлаш, жамлаш ва алоҳида ўрганиш жараёни ҳадис илми тарихида муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Айниқса, бошқа ҳадис тўпламлари қатори “Жавомеъ ал-калим” тўпламларига ҳам саҳиҳ бўлмаган, тўқима, ёлғон ҳадислар ёки “Жавомеъ ал-калим” мезонига тушмайдиган ҳадисларнинг ҳам кириб қолганлиги улар орасидаги саҳиҳларини алоҳида ўрганиш заруратини юзага чиқаради.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Жавомеъ ал-калим” ибораси “Йиғувчи, жамловчи” маъносини англатувчи “жомеъ (جامع) ва “сўз” (كلم) маъносини англатувчи “калима” лафзининг кўплик шаклларида ташкил топган. Бу ибора, асосан лўнда ва мазмунан чуқур сўзларни ифодалаш учун қўлланилади. Жумладан, у ҳадис илмида Пайғамбар (с.а.в.) нинг оз сўзлар билан кўп маъно ифодалаш хусусиятини билдиради. Мазкур тушунча “Жомеъ ал-калом”, “Жомеъ ал-калим” шаклларида ҳам қўлланилади [1].

“Жавомеъ ал-калим” – муҳаддис Ибн Ражаб Ҳанбалий (ваф. 795/1393 й.) фикрича, Расулulloҳ (с.а.в.)га икки турда хосланган: Биринчиси – Қуръони карим, иккинчиси – у зотнинг суннатлари [2:25]. Умун олганда,

ҳар қандай қисқа сўз, жумла ёки қисқа ибора бўлсин, агар у кўплаб маъноларга далолат қилса, уни “Жавомеъ ал-калим” деб аташ мумкин [3:30]. Энциклопедик олим Саййид Шариф Журжоний (ваф. 816/1413 й.)нинг мазкур тушунчага берган таърифи ҳам ушбу фикрни қувватлайди: “Жавомеъ ал-калим” Расулulloҳ (с.а.в.)нинг “Жаннат машаққатлар билан, дўзах нафс хоҳлайдиган нарсалар билан ўраб қўйилган” [4:1389], каби лафзлари оз, аммо маъноси теран бўлган гапларидир” [5:112].

Расулulloҳ (с.а.в.)нинг “Менга Жавомеъ ал-калим берилди” (4:246) [أُغِيبْتُ جَوَامِعَ الْكَلِمِ] ҳамда “Жавомеъ ал-калим билан юборилдим” (6:1399) [بُعِثْتُ بِجَوَامِعِ الْكَلِمِ] каби ҳадисларидан ҳам мазкур тушунча Пайғамбар (с.а.в.)га хос белги экани, унинг илоҳий ҳикматга кўра нозил бўлгани ойдинлашади. Умун олганда, Пайғамбар (а.с.)га “Жавомеъ ал-калим” берилгани Қуръонда бевосита зикр қилинмаган, балки бу ато у зот (с.а.в.)нинг фасоҳати, балоғати сифатида умумий маълум бўлади. Шу сабабдан унинг асосини ҳадисларга таяниб ўрганиш мумкин: имом Бухорий ўзининг “Саҳиҳ”ида “Пайғамбар (а.с.)нинг “Менга бир ойлик масофадан (душманнинг қалбига) кўрқув солиш билан ёрдам берилди” бобида ва яна “Китоб ва суннатни маҳкам тутиш” китобида саҳобий Абу Ҳурайра (р.а.)дан куйидаги ҳадисни келтиради:

بُعِثْتُ بِجَوَامِعِ الْكَلِمِ وَنُصِرْتُ بِالرُّعْبِ فَبَيَّنَّا أَنَا نَائِمٌ أُتِيتُ بِمَقَاتِيحِ خَزَائِنِ الْأَرْضِ فَوَضَعْتُ فِي يَدَيَّ [9931:6].

“Жамловчи калималар билан юборилдим. Душманга узоқ масофадан кўрқинч солиш ила қувватландим. Мен ухлаётган эдим, ер хазиналари калитлари берилиб, кўлимга қўйилди”. Ушбу ҳадисни имом Муслим ҳам ўз “Саҳиҳ”ида “Масжидлар ва намоз ўринлари” китобида келтиради. Бундан ташқари, имом Муслим мазкур маънони ифодаловчи яна бошқа ҳадисларни ҳам ўз тўпламида келтирган:

فُضِّلْتُ عَلَى الْأَنْبِيَاءِ بِسِتٍّ: أُعْطِيتُ جَوَامِعَ الْكَلِمِ، وَنُصِرْتُ بِالرُّعْبِ، وَأُجِلْتُ لِيِ الْغَنَائِمُ وَجُعِلَتْ لِيِ الْأَرْضُ طَهُورًا وَمَسْجِدًا، وَأُرْسِلْتُ إِلَى الْخَلْقِ كَافَّةً وَخُتِمَ بِيِ النَّبِيُّونَ. [642:4]

“Пайғамбарлардан олти нарсa билан устун қилиндим: Менга “Жавомеъ ал-калим” берилди,

(душманнинг қалбига) қўрқув билан нусрат берилдим, менга ўлжалар ҳалол қилинди, ер юзининг барчаси покловчи ва масжид қилиб берилди, бутун инсониятга умумий қилиб юборилдим ва мен билан пайғамбарлар (юборилиши) якунланди”. Шунингдек, айнан шу маънони ифода этувчи ҳадиснинг ўша ровийдан биров бошқача шаклда ривоят қилингани ҳам эътиборли:

«نُصِرْتُ بِالرُّعْبِ عَلَى الْعَدُوِّ وَأُوتِيتُ جَوَامِعَ الْكَلِمِ وَبَيَّنَّمَا أَنَا نَائِمٌ أُتِيتُ بِمَفَاتِيحِ خَزَائِنِ الْأَرْضِ فَوَضِعَتْ فِي يَدَيَّ» [642:4].

“Мен душман устидан уларнинг қалбига қўрқув солиниши орқали ғалаба қозондим. Менга “Жавомеъ ал-калим” берилди. Бир куни мен ухлаб ётганимда, менга ер юзидаги хазиналарнинг калитлари келтирилди ва улар менинг қўлимга топширилди”. Яна бир ривоят шакли эса, қуйидагича:

نُصِرْتُ بِالرُّعْبِ وَأُوتِيتُ جَوَامِعَ الْكَلِمِ. [642:4]

“Душманнинг қалбига қўрқув солиш ила ғалаба қозондим ва менга “Жавомеъ ал-калим” берилди”. Ҳадислар бир мазмунда бўлишига қарамай айнаи ровийдан турли шаклларда ва турли масалалар билан ёнма-ён ривоят қилингани кишига мазкур масаланинг алоҳида хусусиятлари борлигини яна бир бор исботлайди.

Пайғамбар (а.с.) ҳадислари дастлаб муснад тўпламлари шаклида ровийларига кўра тартибланиб, вақт ўтиши билан мусаннаф услубида мавзуларига кўра қайта жамланди. Бунда айниқса, имом Бухорий ва имом Муслимнинг мусаннаф тўпламлари фақат саҳиҳ ҳадисларни жамлагани билан алоҳида аҳамият касб этди. Чунончи, бу мусаннаф тўпламлар юзага келганидан сўнг улар турли мавзуларда одамлар Қуръондан кейинги ўринда мурожаат қиладиган асосий манбасига айланди. Масалан, бу борада тарихчи ва муҳаддис Шамсиддин Заҳабий (ваф. 748/1348 й.) ҳам “Тарих ал-ислом” асарида: “Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”и Аллоҳ таолонинг Китобидан кейинги исломнинг энг улуғ ва афзал китобидир.

Ҳозирги кунда бу китоб одамлар учун энг олий санаддир”, – деб ёзади [7].

Саҳиҳ ҳадис тўпламлари ишончли ривоятларни жамлагани учун улардан кейин ёзилган ислом илмларига доир барча манбаларни ёзишда бу тўпламларга мурожаат қилинди. Жумладан, “Жавомеъ ал-калим” тўпламларини тузишда ҳам имом Аҳмад, Табароний, Байҳақий, Насоий, Ибн Можа каби бир қанча забардаст муҳаддислар келтирган ривоятларидан фойдаланиш билан бир қаторда имом Бухорий ва имом Муслимнинг ривоятларига катта урғу берилди. Масалан, имом Бухорий ва имом Муслим “Саҳиҳ”ларида келтирган “Амаллар ниятлар биландир” (إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ) ҳадиси деярли барча “Жавомеъ ал-калим” тўпламларида учрайди.

“Жавомеъ ал-калим”га бағишланган илк тўпламлардан бири Мовароуннахрлик муҳаддис, фақиҳ Абу Бакр Қафғол Шоший (ваф. 365/976 й.)га тегишли бўлиб, мазкур тўплам турк тарихчиси Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1657 й.)нинг таъкидлашича, имом Бухорий шарҳи мажмуаларидаги Расулulloҳ (с.а.в.) калималари асосида ёзилган [8]. Бироқ, шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, мазкур тўпламга киритилган ҳадисларнинг барчаси ҳам имом Бухорийдан ривоят қилинмаган, балки унда Ибн Ҳиббон, Табароний каби муҳаддисларнинг ҳам ривоятлари учраб туради. Қафғол Шоший “Жавомеъ ал-калим ва бадое ал-ҳикам” тўпламини тузишда “Жавомеъ ал-калим” мезонига мос келувчи ҳадислардан [النَّدَمُ تَوْبَةٌ، 9:694]] (“Пушаймонлик тавбадир”) каби икки лафздан иборат жуда қисқа ҳадисларни ҳам,

مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ مِنْهُ فَهُوَ رَدٌّ [4721:6]

“Бизнинг ушбу (дин) ишимизда бирор кимса янгилик киритса, ва у янгилик (динимизда) бўлмаса, уни рад этилади” каби лафзлари нисбатан кўпроқ бўлган ҳадисларни ҳам келтирган. Асар муқаддима ва хотимадан ташқари 15 боб ва 3 фаслдан иборат. Юқоридаги намуналардан ҳам маълум бўлганидек, Қафғол Шоший ўз тўпламига одоб-ахлоққа оид “Жавомеъ ал-калим” ҳадисларидан ташқари ақида, шунингдек фикҳ ва бошқа масалаларга оид ҳадисларни ҳам киритган.

Муҳаддис ва фақиҳ Ибн Ражаб Ҳанбалий (ваф. 795/1393 й.)нинг “Жомеъ ал-улум вал-ҳикам” тўпламига “Жавомеъ ал-калим” ҳадисларидан 50 таси киритилган. Жами 50 та ҳадиснинг 5 таси имом Бухорий, 13 таси имом Муслим ривоятлари бўлиб, имом Бухорий ва Муслим биргаликда келтирган ҳадислари эса, 17 тани ташкил этади. Қолган 17 та ҳадиснинг эса, 9 таси имом Термизий, 3 таси Байҳақий, 4 таси ибн Можа ва 1 таси имом Доракутний каби бошқа муҳаддислар ривояти саналади. Асарда ҳадислар билан бир қаторда уларга шарҳлар ҳам келтирилгани ҳадислардан кўзланган муродни етказишда самарали хизмат қилган. Ибн Ражаб йиғган “Жавомеъ ал-калим” ҳадислари мавзуси имом Нававий (ваф. 676/1277 й.)нинг “Арбаин” тўплами ҳадисларига якин. Зеро, Ибн Ражабнинг тўпламидаги дастлабки 41 ҳадис имом Нававий “Арбаин”ида келтирилган айни ҳадислардир. Шунга кўра, имом Нававийнинг тўплами ҳам “Жавомеъ ал-калим”га бағишланган тўплам сифатида эътиборга олинади [10:43]. Бунини Ибн Ражабнинг асарида ҳам имом Нававийнинг “Арбаин”ида бўлгани каби ҳадисларнинг тўлиқ матни келтирилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

“Жавомеъ ал-калим” ҳадисларини алоҳида таснифлаш XIX асрда ва ундан кейин ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганини татар олими Ризоуддин ибн Фаҳриддин (ваф. 1936 й.)нинг асаридан ҳам билиш мумкин. Олимнинг “Жавомеъ ал-калим” тўплами ўша вақтдаги ижтимоий ҳолат учун муҳим масалаларни ифода этувчи ҳадисларни танлаб, шарҳлангани билан одамлар орасида кенг тарқалди. Муаллиф тўпламида 101 та “Жавомеъ ал-калим” ҳадисини келтирган. Уларнинг 17 таси имом Бухорий, 15 таси имом Муслим, 26 таси Аҳмад ибн Ҳанбал ва қолган ҳадислар эса, бошқа муҳаддислар ривоятларига тўғри келади.

Замондош олимларимиздан доктор Муҳйиддин Муҳаммад Аввома ҳам “Жавомеъ ал-калим” номи остида ҳадисларни тўплагани бугунги – қисқа ахборотни қабул қилиш оммалашган бир пайтда давр талабини ислом кадриятларига мослаб қайта тақдим этди дейиш мумкин. Тўплам жами 298 та ҳадисни ўз ичига олиб, имом Бухорийдан 43 та, имом Муслимдан

64 та, икковлари ривоят қилган ҳадислардан эса, 61 тасини жамлаган. Тўпламга ҳадисларни танлашда имом Бухорий ва имом Муслимнинг ривоят улушларига катта урғу берилганини кўриш мумкин.

“Жавомеъ ал-калим”га бағишланган тўпламлар орасида етук олим Мулла Алий Қорий (ваф. 1014/1605 й.)нинг “Арбауна ҳадисан мин Жавомеъ ал-калим”и бир неча сифатлар билан ўзига хос мавқега эга. Мисол учун, Мулла Алий Қорий китобига асосан, икки лафздан иборат бўлган ҳадисларни киритган. Тўпламдаги лафзлари иккидан зиёд ҳадислар сони эса, бор-йўғи 5 тани ташкил этади. Бошқа муаллифларнинг “Жавомеъ ал-калим” тўпламларида эса, икки лафздан иборат ҳадислар анча кам, лафзлари иккидан ортик ҳадислар эса, нисбатан кўп учрайди. Шу билан бирга, мазкур тўпламдаги ҳадисларнинг деярли барчаси айнан ижтимоий-ахлоқий мавзуларда дейиш тўғри бўлади. Тўплам “Арбаин” туркумида тузилган. Ундаги 41 ҳадисдан 1 таси имом Бухорий, 6 таси эса, икки шайх ривоятига тўғри келади. Алий Қорий “Жавомеъ ал-калим” ҳадисларини йиғишда ёдлаб олиш ҳамда амал қилишга енгил, мавзулари одоб-ахлоқни тарғиб этувчи бўлганларини танлаб олган. Хусусан, имом Бухорий ва Муслим “Саҳиҳ”ларида келтирилган “4:55” [الدِّينُ النَّصِيحَةُ] (“Дин насиҳатдир”) ҳадиси ақида, шариат ва тариқат бобларидаги барча таълимотларни қамраб олган [11:16]. Қолаверса, ушбу ҳадис исломнинг мадори бўлган тўрт ҳадиснинг бири саналади.

Алий Қорий “Жавомеъ ал-калим”ига имом Бухорий Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ушбу:

أَنَّ رَجُلًا قَالَ لِلنَّبِيِّ ﷺ: أَوْصِنِي، قَالَ: “لَا تَغْضَبُ” [0272:6].

“Бир киши келиб Расулulloҳ (с.а.в.)га: “Менга насиҳат қилинг” – деди. У зот (с.а.в.): “Ғазаб қилма!” – дедилар” ҳадисини “لَا تَغْضَبُ” (“Ғазаб қилма”) қисмини келтириб, барча замон ва макондаги кишилар учун бу насиҳатни умумлаштириб берди.

Шунингдек, Мулла Алий Қорий ўз тўпламига имом Бухорий ва имом Муслимлар ривоят қилган “Жавомеъ ал-калим” ҳадисларидан тўлиқ ҳадиснинг икки лафзи орқали ҳам ундаги асосий мақсад англашилаверади ҳадисларни киритишга эътибор берган. Масалан, имом Бухорий “Саҳиҳ”ида қуйидаги ҳадис келтирилган:

حَدَّثَنِي أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ: أَنَّهَا خُلِبَتْ لِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ شَاةٌ دَاجِنٌ وَهُوَ فِي دَارِ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، وَشِيبَ لِبَنَاتِهَا بَمَاءٍ مِنَ الْبُرِّ الَّتِي فِي دَارِ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، فَأَعْطَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ الْقَدَحَ فَشَرِبَ مِنْهُ، حَتَّى إِذَا سَهَرَ نَزَعَ الْقَدَحَ مِنْ فِيهِ وَعَلَى فِيهِ وَغَلَى يَسَارَهُ أَبُو بَكْرٍ وَعَنْ يَمِينِهِ أَعْرَابِيٌّ، فَقَالَ عُمَرُ وَخَافَ أَنْ يُعْطِيَهُ الْأَعْرَابِيُّ: أَعْطِ أَبَا بَكْرٍ يَا رَسُولَ اللَّهِ عِنْدَكَ. فَأَعْطَاهُ الْأَعْرَابِيُّ الَّذِي عَنْ يَمِينِهِ، ثُمَّ قَالَ: “الْأَيْمَنُ فَأَلْأَيْمَنُ” [3211:6].

Расулulloҳ (с.а.в.) Анас ибн Молик (р.а.) нинг уйида эканларида, у зот учун уй хайвони бўлган бир қўй соғилди. Қўйнинг сути Анас (р.а.) нинг ҳовлисидаги қудукдан олинган сув билан аралаштирилди. Сўнг коса Расулulloҳ (с.а.в.) га узатилди. У зот ундан ичдилар. Ичиб бўлгач, косани оғизларидан олдилар. У зотнинг чап томонларида Абу Бакр (р.а.), ўнг томонларида эса, бир аъробий бор эди. Шунда Умар (р.а.): Пайғамбар (с.а.в.) косани аъробийга бериб юборишларидан хавотирланиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Бакрга беринг, у ҳузурингизда-ку” – деди. Лекин Расулulloҳ (с.а.в.) идишни ўнг томонларида ўтирган аъробийга бердилар ва: “Ўнг томондагидан бошлаб берилади, кейин яна ўнг томондагига...” – дедилар. Имом Муслим мазкур ҳадисни “Сув, сут ва шунга ўхшаш ичимликларни ўнг томондан бошлаб бериш мустаҳаб экани ҳақида”ги бобда келтирган:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أَتَى بَلْبَنَ قَدْ شِيبَ بِمَاءٍ، وَعَنْ يَمِينِهِ أَعْرَابِيٌّ، وَعَنْ يَسَارِهِ أَبُو بَكْرٍ، فَشَرِبَ، ثُمَّ أَعْطَى الْأَعْرَابِيَّ وَقَالَ: “الْأَيْمَنُ فَأَلْأَيْمَنُ” [2201:4].

Расулulloҳ (с.а.в.)га сув аралаштирилган сут келтирилди. У зотнинг ўнг томонларида бир аъробий, чап томонларида эса, Абу Бакр (р.а.) бор эди. Расулulloҳ (с.а.в.) суддан ичдилар. Сўнг уни аъробийга бердилар ва: “Ўнгдан, кейин яна ўнгдан...” – дедилар.

Мазкур ривоятни ҳам Алий Қорий “الْأَيْمَنُ” қисмини ўз тўпламида келтиргани

ҳадиснинг “Жавомеъ ал-калим” хусусиятини яққол намоён қилади. Ҳолбуки, “Ўнгдан, кейин яна ўнгдан...” деганда фақатгина ичимликни эмас, балки таом, ҳадя, китоб ва бошқа яхши нарсаларни ҳам беришда ўнг томондагилардан бошлаш зарурлиги зеҳнга келади. Бундан ташқари, имом Бухорий келтирган ривоятнинг шарҳида ҳам қайд этилганидек, бу ҳадисдан ўнг томондаги киши ҳар қандай фазилатли кишидан ҳам ҳақдорроқ бўлишини англаш мумкин [12:76]. Бу эса, ўз навбатида адолат ва тартибни ифода этади. Худди шу сингари муаллифнинг “Жавомеъ ал-калим”идан ўрин олган “الْكَبَرُ الْكَبَرُ” (“Катталарга, катталарга...”) ҳадиси ҳам аслида имом Бухорий [6:3179] ва имом Муслим [4:833] “Саҳиҳ”ларида узун ривоятнинг бир қисми сифатида келтирилган ва у гап бошлашда навбат аввал катталарга берилади деган мазмунни ифодалаган [12:184].

Мулла Алий Қорийни фақатгина узун ҳадисларнинг кенг маъно англаувчи бир қисминигина тўпламига киритган дейиш ҳам ноўрин. Чунки асли икки лафздан иборат ҳадислар ҳам мазкур тўплам таркибига кирган. Жумладан, “الْعَيْنُ حَقٌّ” [6:2656] (“Кўз (тегиши) бордир”) ҳадиси. Мулла Алий Қорийнинг “Жавомеъ ал-калим”га бағишланган тўпламини таҳқиқ қилган ва унга шарҳ ёзган Саййид Ҳасан Ҳусайний “Файзал-Қодир”га асосланиб, ушбу ҳадисда “кўздан келадиган зарар таъсири кучлироқ бўлгани сабабидан унинг таъсиридан аслида руҳларнинг таъсири назарда тутилганини баён қилган [13:38].

Шунингдек, Алий Қорий имом Бухорий ва имом Муслимдан одоб-ахлоққа доир мавзулардан ташқари, тил қоидаларини мукамал акс эттирган ҳадисларни ҳам тўпламига киритган. Хусусан, “الْإِيمَانُ يَمَانٌ” [6:1921; 4:54] (“Иймон яманийдир”) ҳадиси. Унинг шарҳида “Кимки бирор фазилат билан сифатланса, уни шу нарсага нисбат бериб зикр қилинади. Аммо бу – ўша сифат бошқа ҳеч кимда йўқ дегани эмас” – дейилган [13:19].

ХУЛОСА

“Жавомеъ ал-калим” ҳадисларига бағишланган мустақил тўпламлар ҳадис илмининг дастлабки ёзма босқичида алоҳида

жанр сифатида мавжуд бўлмаган бўлиб, улар кейинги даврларда ҳадисларни мавзу ва услуб жиҳатидан саралаш эҳтиёжи асосида шаклланган. Турли ҳудуд ва давр олимлари томонидан яратилган ушбу тўпламлар “Жавомеъ ал-калим” ҳадисларига бўлган ёндашувнинг ўзгариб борганини кўрсатади.

Жумладан, Мовароуннҳарда Абу Бакр Қаффол Шоший ақида, фикҳ ва ахлоққа оид қисқа ҳамда мазмунан чуқур ҳадисларни жамлаган бўлса, Хуросон илмий муҳитида Мулла Алий Қорий умуминсоний одоб ва маънавий тарбияга оид, айниқса икки лафзли ниҳоятда ихчам ҳадисларни танлашга устувор аҳамият берган. Бу эса ҳадисларни ёдлаш, тарғиб қилиш ва амалий ҳаётга татбиқ этишни енгиллаштирган. Ибн Ражаб Ҳанбалийнинг тўплами ақида, фикҳ ва одоб мавзуларини камраб олиши ҳамда ҳадисларнинг тўлиқ матнини келтиргани билан ажралиб туради. XIX асрда Ризоуддин ибн Фаҳриддин ҳадисларни баъзан тўлиқ, баъзан қисқартирилган ҳолда бериб, ижтимоий ҳаёт ва маънавий тарбия учун долзарб мавзуларга эътибор қаратган бўлса, бугунги кун олимларидан Муҳйиддин Муҳаммад Аввома томонидан тузилган тўпламда ҳадисларнинг бобларга ажратилиши, ровийлар ва муҳаддисларнинг зикр қилиниши унинг илмий аниқлиги ҳамда фойдаланиш қулайлигини оширган.

Мазкур асарлар ўз даврининг ижтимоий-маънавий муҳити, жамият эҳтиёжлари ва инсонлар учун долзарб бўлган масалалари ҳақида ҳам муҳим тасаввур беради. Чунки ҳар бир муҳаддис ҳадисларни танлашда ўзи яшаган даврнинг диний, ахлоқий ва ижтимоий эҳтиёжларини инобатга олган. Натижада, “Жавомеъ ал-калим” тўпламлари нафақат ҳадис илми тарихини, балки турли давр мусулмон жамиятининг фикрий ва маънавий қиёфасини ўрганишда ҳам муҳим илмий манба сифатида намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Yaşar Kandemir. Cevâmiu'l-Kelim // <https://islamansiklopedisi.org.tr/cevamiul-kelim>. Мурожаат санаси: 19.05.2026.
2. Ибн Ражаб Ҳанбалий. Жомеъ ал-улум ва-л-ҳикам. – Димашк: Дор ибн Касир, 2008.
3. Абдулазиз Сухайбоний. Жавомеъ калим ал-Қуръон ва шавоҳид ал-эъжоз. – Саудия: Муҳаммад ибн Сауд университети илмий ишлар бўлими, 2008.
4. Муслим ибн Ҳажжож Кушайрий. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ. – Байрут: Дор ал-фикар, 2003.
5. Саййид Шариф Журжоний. Ат-Таърифот. – Истанбул: Марказ ал-Ҳошимия ли-д-диросот ва таҳқиқ ат-турок, 2022.
6. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ. – Карачи: Ал-Бушро, 2016.
7. Амонов Б. <https://sammuslim.uz/oz/articles/sahihul-buxoriy-asari-islom-dinida-muhim-manba>. Мурожаат санаси: 19.05.2026.
8. Nazrati imom // <https://oyina.uz/uz/generation/207>. Мурожаат санаси: 19.05.2026.
9. Ибн Можа Қазвиний. Сунан. – Жубайл: Дор ас-содик, 2010.
10. Ahmet Uzun. Sahih-i Buhari'deki Cevamiu'l-kelim nitelikli hadislerin deęerlendirilmesi. – Istanbul, 2008.
11. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Дин насихатдир. – Т.: Ҳилол нашр, 2020.
12. Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳ ал-Борий. Нашр жойи ва йили кўрсатилмаган. Ж-10.
13. Мулла Алий Қорий. Арбауна ҳдисан мин жавомеъ ал-калим // Муҳаққиқ: С. Ҳ. Хусайний. – Байрут: Дор ал-башоир ал-исломия. 2013.